

## АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА АСТРОНОМИК ТУШУНЧАЛАР

Сайдбаҳром Азизов,  
ЎзР ФА Амир Темур музейи илмий ходими

Алишер Навоий асарларига мурожаат қилган китобхон кўплаб астрономик сўз, ибора ва тушунчаларни учратади. Ушбу мақолада Навоий асарларида қайд этилган айрим астрономик тушунчалар - олам моделлари (гелиоцентрик система, биллур сфералар, борлиқнинг мажмуйи модели), осмон жисмлари (комета, юлдузлар), самовий ҳодисалар (Қуёш тожи, вазнсизлик), астрономик жиҳозлар усгурулоб, Улуғбек расадхонаси ва ундаги кўшёйли деворий квадрант) хусусида сўз боради.

**1. Олам моделлари.** Алишер Навоий инсон томонидан кузатиладиган оламнинг моҳиятини тушунишга интилган ва унинг асарларида коинот билан боғлиқ турли сўз ва иборалар учрайди. Масалан: *гити* (кавн, очун) - олам (дунё); *ажуз* (*сипеҳри булбод, чархи куҳун*) - кўхна олам; *гунбади беустун* - устунсиз осмон; *авж* (*гардун вало, мийну, сипеҳр асир*) - юксак осмон; *фалаки буқаламун* (*нилгун торам*) - товланувчи осмон. Навоий асарларида олам тузилишига оид Коинотни англаш, Оламнинг оддий, беустун, чархфалак, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган қисмли, мукаммал, кўзғалмас юлдузлар жойлашган саккиз фалакли - мусамман, тўққизинчи номоддий фалак - "Бош ҳаракатлантирувчи", ўнинчи фалак - Арш, шунингдек, Борлиқнинг мажмуйи модели ҳамда геоцентрик, гелиоцентрик тушунчалар ҳақида маълумотлар бор. Алишер Навоий асарларида коинотни билиш мумкин эмас ва билиш мумкин деган икки хил фикр айтилган. Алишер Навоий ўз астрономик билимларига таяниб, коинотни ўрганиш ўта мураккаб бўлса-да, бироқ уни олимлар ўрганиши мумкинлигини таъкидтайди ва асарларида бу ҳолат турли мавзуларда ўз ифодасини топган.

**Гелиоцентрик тизим.** Алишер Навоийнинг "Муншаот" асарида шундай сатрларни ўқиймиз:

*To доирави сипеҳр бўлгай,  
To ким анга нуқта меҳр бўлгай<sup>1</sup>.*

**Мазмуни:**

*"Осмон доираси мажсуд экан, унга нуқта (марказ) қуёши бўлади"<sup>2</sup>.*

Унда гелиоцентрик системани ифода этувчи, астрономик ҳолат қайд этилган. "Ҳайрат ул-аброр" достонида:

*"Чархда фонусдек ўлди фалак"<sup>3</sup>, дейилган.*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Муншоат. Т. 1998. 176 бет.

<sup>2</sup> Назмлар таржимаси Омонулло Бўриевники

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

**Мазмуни:** Фалак осмонда оддий бир фонусдек бўлиб колди<sup>4</sup>.

Ва яна шу достонда:

"Шамъки, ўз ёги била қоврулур,  
Чарх анга фонус киби эврулур"<sup>5</sup>.

Бунда: фонус - фалак, шамъ - Күёш.

Юқоридаги мисоллар Алишер Навоий асарларида, геоцентрик тушунча кайд этилгани ҳолда, гелиоцентрик тушунчага мансуб баъзи фикрлар ҳам бор, деб хулоса қилиш учун асос бўла олади.

**Биллур сфералар.** Алишер Навоий "Ситтаи зарурия" ("Олти зарурий қасида") асарининг биринчи заруротида шундай ёзади:

*Саккизинчи (фалак) шабистонини ёритши учун минглаб ой юзли ўйингоҳ (юлдузларни) жиславасоз қилдинг<sup>6</sup>.*

*Барчасидан юқорида тўққизинчи қалъа (осмон)ни бунёд қилдинг, ўша қалъа атрофида яхши ният билан буржсларни бунёд этдинг<sup>7</sup>.*

Шунингдек, ушбу заруротда қўзғалмас юлдузлар (8-сфера) ва буржлар (9-сфера) бошқа-бошқа сфераларда жойлаштирилган. Бунинг сабаби бизга номаълум. Лекин бир нарса аник, мазкур ҳолат фалакиёт илми тарихида илк бор қўзғалмас юлдузлар жойлашган юононлардаги биллур сферанинг "синиши"ни англатади. Жаҳон астрономия тарихида, коинотнинг сфералар билан чекланмаганлиги, Галилей тадқиқотларида ўз тасдигини топди. Демак,

Алишер Навоий Галилейдан юз йил аввал "биллур сфера" тушунчасини инкор этиб, коинотнинг чексизлигига ишора қилган, дейиш мумкин,

**Борлиқнинг мажмуий модели.** Алишер Навоий ўз ижодида олам тузилишини бир неча моделлари баёнини тавсиф этган. Масалан, "Лисон уттайр" достонининг бир юз олтмиш биринчи бобида:

*Ўн саккиз минг олам ичра не бор,*

*Ким қилурлар аҳли маъни эътибор<sup>8</sup>.*

**Мазмуни:** *Ўн саккиз минг олам ичида нимаики бор бўлса, маъно аҳллари эътибор қилурлар<sup>9</sup>.*

Маълумки, тафаккур жараённида, жуфтлик ҳолатига кўра, фоний ва бокий (охират) оламлар жуфтлиги идрок этилади. Шу маънода тўққиз қават оламнинг жуфти тўққиз қават ғойибий олам бўлади. Улар биргаликда ўнсаккиз оламни

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Насрий матн ва сўз боши муаллифи: Абдуқодир Ҳайитметов. Т, 1989. 100 бет

<sup>4</sup> Ўша асар 278 бет

<sup>5</sup> Ўша асар 82 бет

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. Т,2008. 17 бет (92 банд)

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Ситтаи зарурия – Тошкент, "Фан". 2008. 17 б.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (насрий баёни билан) – Т. "Фоғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти", 1991. 221 б.

<sup>9</sup> Ўша асар. 415-416 бб.

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

ташкил этади. Бу эса "кўплаб олам" дегани. Ўтмишда аждодларимиз, айниқса, ажамликлар "кўп"," жуда кўп" сўзлари маъносини "минг" сўзи орқали ҳам ифода этганлар. Масалан, айёмда жуда кўп одамлар йифилди - айёмда минглаб (ёки минг-минглаб) одамлар йифилди. Яна, мингдан-минг рози бўлмоқ. Шу асосда, "Ўн саккиз кўп олам" тушунчасидаги "кўп" сўзини мажозий маънода келувчи "минг" сўзи билан алмаштирасак, "Ўн саккиз минг олам" келиб чиқади. Бу ерда гап бутун борлиқ, Олам тўғрисида бораётганини билдиради<sup>10</sup>. Бу моделда бутун борлиқ яхлит ўн саккиз минг олам тушунчаси билан ифодаланган.

**2. Осмон жисмлари.** Фалакиёт илми тарихида осмон жисмлари ва уларнинг фазодаги ўринларини ўрганиш доимо долзарб мавзу бўлиб келган. Абу Райхон Беруний асарларида Қуёш, Ой, Сайёralар: Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн ва шунингдек метеор, комета, юлдузлар ҳақида илмий маълумотлар бор. Ўрта асрларда бу самовий жисмлар ҳақидаги маълумотлар нафақат астрономик, балки гуманитар манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Алишер Навоий (1441-1501) шеъриятида учрайдиган фазовий жисмлар ва уларнинг ҳаракатига оид ҳодисалар ифодасини илмий манбалар асосида қиёсан ўрганиш, биринчидан, астрономия тарихи нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, буюк шоирнинг ушбу мазмундаги мисраларига асос бўлган манбаларни аниқлашга хизмат қиласди.

**Комета.** Алишер Навоий назмиятида кометани - жавзахр, зузанаб, зузаноба (думли юлдуз) номлари билан ифодалар экан, юз йиллаб учувчи ва офат келтирувчи самовий жисм деб таърифлайди.

Чун яна майдон сори кўргузди хез,

(Таҳамтане) тортиб эди тифи тез.

Қаҳри ўти чекса чу дуди ғазаб,

Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб<sup>11</sup> ,

**Мазмуни:** “У (кўнгул) яна ўрнидан туриб бошика майдон (осмон)га халлослади; Унда қўлига ханжар ушлаган бир паҳлавон жсангчи (Миррих)<sup>12</sup> турарди. Унинг қаўр олови ғазаб тутунини чикарса, ҳар бир учқуни юз йилгача думли юлдуздек осмонда учиб юрарди”<sup>13</sup> .

<sup>10</sup> Азизов С., Жабборов Н. Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида фалакий атамалар талқини./I Имом ал-Бухорий сабоқлари, 1-сон, 2001. 92-94 бб.

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Тўртинчи том. Ҳазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. УзССР. Т, 1965. 38 бет.

<sup>12</sup> Бу ўринда Миррих (Марс) сайёраси назарда тутилмоқда. Одатда Миррих қўлига найза ушлаган жангчи сифатида тасаввур этилган ва жангчилар ҳомийси ҳисобланган.

<sup>13</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлитк. Тўртинчи том. Ҳазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. УзССР. Т., 1965. 23 бет.

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

Яна "Лайли ва Мажнун" достонининг ўттиз тўртинчи бобидаги қўйидаги байтда кометага мансуб яна бир маълумот бор:

Ул сарв эмас эрди зузанобинг  
Наҳсиятидин жаҳон харобинг?<sup>14</sup>.

**Мазмуни:** "У сарв (Лайли) сенинг омадсизлигинг<sup>15</sup>, жаҳонни хароб қиласидиган зузанабинг<sup>16</sup> эмас эди-ку!"<sup>17</sup>.

Навоий байтларида кометаларга оид қайд этилган ҳолатлар, XVII – XX асрлардаги астрономик тадқикотларда ўз тасдиғига эга бўлди<sup>18</sup>.

## Юлдузлар.

Алишер Навоий ўз асарларида юлдузларни: номли юлдузлар, номсиз юлдузлар, юлдузлар тўдаси, юлдуз туркumlари, хира юлдуз деб номлаган. Навоий тун оламида кузатиладиган баъзи юлдузлар учун айрим тушунчаларни ишлатган. Улар гурухланганда маълум тоифаларга ажraldi ва биз уларни ҳозирги илмий аталишлари билан янги юлдузлар, ўта янги юлдузлар, ўзгарувчан юлдузлар, юлдузсимон ёритқичлар деб номладик. Навоий тасаввуридаги юлдузларнинг турлари шоирона муболаға (ўхшатиш) бўлиши мумкин. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, фалакиёт илмида осмон жисмларининг физик табиати маълум бўла бошлагач, юлдузлар кўринишлари ва тузилишлари жиҳатидан тоифалана бошланди<sup>19</sup>. Бошқача килиб айтганда, бу тоифалаш Алишер Навоий тасаввуридаги ҳолатга ўхшаб кетади.

**3. Самовий ҳодисалар.** Фалакиёт илми тарихида, жумладан, самовий ҳодисаларни ўрганиш доимо долзарб мавзу бўлиб келган. Бу жараён Ўрта асрларда гуманитар манбаларда ҳам ўз ифодасини топган, Навоий асарларида тутилиш ҳодисаси, қирон, камалак, Сомон йўли, буржлар, астрология, Ой бағридаги юлдуз, "Чилла" атамасининг талқини, Ой чамбари (Гало), Куёш сакраши каби самовий ҳодисалар хақида маълумотлар бор.

**Қуёш тожи.** Алишер Навоийнинг "Хайрат ул-аброр" достонида назм этган:

Чарх уза парвози малойик сифот,  
Хатти шиоий анга ҳар ён қанот<sup>20</sup>.

<sup>14</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Саккизинчи том. Хамса. Лайли ва Мажнун. Тошкент. 1964. 214 бет.

<sup>15</sup> Наҳс – баҳтсизлик, мусибат, омадсизлик. Қаранг: Ўзбек тлининг изоҳли лугати. Беш жилдли. Т3. Тошкент 2007. 31 б. Наҳс анжуми – Сатурн ва Марс (Эронийларнинг ақидасича, булар баҳтсизлик келтирувчи сайдерлардир)

<sup>16</sup> Зузанаб, зузаноба – қуйрукли юлдуз, наҳс юлдузи. Қаранг: Навоий асарлари учун қисқача лугат. Тошкент. 1993. 103 бет.

<sup>17</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Насрий баёни тузувчилар. Амин Умарий ва Ҳусайнзода. Тузатш ва тўлдириш билан қайта нашрга тайёрловчилар. Ваҳоб Раҳмонов ва Наим Норқулов. Тошкент. 1976. 94 б.

<sup>18</sup> 2004 йили Америкадаги Китт-Пик расадхонасида, Ерга яқинлашиб келаётган, диаметри 350 км бўлган, Апофис номли комета кашф этилди. 2013 йили бу комета Ер яқинидан учиб ўтди. 2029 йили у Ерга 30 км масофада яқинлашади ва ана шу даврда у ўз учиш ўйналишини ўзгартириб, Ер билан тўқнашиб кетиши мумкин бўлган ҳавфли ҳолат содир бўлиши мумкин.

<sup>19</sup> Куликовский П.Г. Справочник любителя астрономии. Москва. 1971. С.114-200.

<sup>20</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-абрар. Т, 1989. .37бет

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

**Мазмуни:** "У<sup>21</sup> осмон бўйлаб малаксифат парвоз этарди ва порлок нурлар унга ҳар томондан қанот эди"<sup>22</sup>.

Маълумки, фазода аланга сочиб ёнаётган Куёш Ердан қарийб 150 миллион километр, Куёш нурини қайтариб кўринадиган Ой эса 384000 минг километр олис масофада жойлашган. Бундай мутаносиблик натижасида Ердаги кузатувчига уларнинг кўринма гардишларининг диаметрлари деярлик

бир хил (0,5<sup>0</sup>) бўлиб кўринади. Айни пайтда Ернинг атрофида айланма харакатланаётган нурсиз Ой ёрқин Куёш гардишини тўсганда, Ердаги кузатувчига Ой гардиши атрофида ёрқин ёғду намоён бўлади ва у фалакиёт илмида Куёш тожи деб аталади. Бу кузатилаётган "тож" ҳар доим ҳам бир хил кўринища бўлмайди. Тожнинг кандай кўриниши Куёш сиртида даврий равиша пайдо бўлиб турадиган доғларнинг энг кўплиги ва энг камлиги билан ўзгаради<sup>23</sup>. Тутилиш Куёш активлигининг максимумига туғри келганда, Куёш тожининг нурлари унинг хамма томонидан шуълаланиб туради. Куёш такъсирининг энг кам содир бўладиган тутилиш пайтида эса Куёш тожи одатда унинг икки тарафидан шуълаланиб туради ва у баъзида учайтган куш қанотларига ўхшаб кетади<sup>24</sup>. Алишер Навоий назмида, байтда айнан Куёш тутилишининг энг кам содир бўлган ҳолати қайд қилинган.

**Вазнисизлик.** "Садди Искандарий" достонининг "меърож" маззусига бағишлиланган тўртинчи бобидаги қуйидаги байтда ифодаланган:

*Қолиб пўядин пайки афлок гард,  
Қадам олмайин рахии гардуннавард.  
Буроқин тушуб пайкига топшуруб,  
Қадамсиз юруб, пўясиз гом уруб<sup>25</sup>.*

**Мазмуни:** "Фалакда йўл бошловчи (фаришта) елишидан тўхтади. Осмонни кезувчи от ҳам тўхтади. (Пайгамбар) отдан тушишибуни фариштага топширди. (Ўзи эса) қадам босмай илгарилаб кетди"<sup>26</sup>.

<sup>21</sup> У, яъни, кўнгил – Куёш.

<sup>22</sup> Алишер Навоий. Хайрат ул-абрар. Т, 1989. 23 бет.

<sup>23</sup> Куёш кузатувчига кўринадиган фотосфера қатламида ўртача ҳарорат қарийб 6000<sup>0</sup> га teng. Даврий равиша фотосферада қора доғлар пайдо бўлиб туради. Бу доғларда ҳарорат, Куёш сиртининг ўртача ҳароратидан қарийб 1500<sup>0</sup> пастроқ бўлганлиги сабабли кузатувчига қора доғ шаклида кўринади. Доғларнинг сони ўрта ҳисобда 11 йиллик давр билан ўзгаради. Доғлар кўпайган давр Куёш фаоллигининг максимум (энг кўп) ва аксинчча доғлар камайган давр Куёш фаоллигининг минимум (энг кам) даври деб аталади.

<sup>24</sup> 1942 йили фалакшунос Н.М.Суботина қадимги мисрликларнинг қанотли Куёш рамзи айнан Куёш тожинни Куёш минимумидаги ифодаси бўлса керак, деган фикрни билдирган.(Б.А.Воронцов – Вельяминов. Очерки о вселеной. М.Наука. 1980. Сс.№\*-387.)

<sup>25</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий (насрий баёни билан). Тошкент Фофур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси. 1991. 30 б.

<sup>26</sup> Омонула Бўриев таржимаси.

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN

## mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

Ушбу қайд этилган парчадаги "қадам босмай илгарилаб кетди" сўзлари - вазнисизлик ҳолатини ифода этади, деб тахмин килиш мумкин. Чунки вазнисизлик ҳолатидагина киши қадам босмай силжий олади.

Фан тарихида илк бор вазнисизлик мавжудлиги Г.Галилейнинг "Оlam тузилишининг икки асосий тизими ҳақида баҳс" (1632й.) асарида қайд қилинди ва у. И. Ньютоннинг "Натурал философиянинг математик негизлари" (1687й) асарида илмий исботланди<sup>27</sup>. Бизнингча, бу ерда Алишер

Навоий маълумотига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади.

**4. Астрономик жиҳозлар.** Алишер Навоий асарларида астрономик жиҳозлардан устурлоб, армилляр сфера, осмон глобуси, Кўшёйли деворий квадрант (КДК) ҳақида маълумотлар бор. Бу жиҳозлардан КДК – Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасининг бош, ноёб жиҳози, хозирги кунга кадар унинг бир қисми сақланиб колган. Армилляр сфера билан

Осмон глобуси фақат мутахассисларгина фойдаланадиган астрономик жиҳоз. Устурлоб, Ўрта асрларда мусулмон Шарқида кенг тарқалган астрономик жиҳоз. Алишер Навоий асарларида қайд қилинган астрономик жиҳоз, аслида, устурлобдан фарқ қиласиган нодир жиҳоздир.

### Устурлоб.

*Астролябия* юононча сўз бўлиб, “юлдуз тутувчи” деган маънони англатади (*астер-* юлдуз, *лабен-* тутмоқ). Астрономик жиҳоз – астролябия мил. ав. IV асрдан то милодий XIX асргача амалиётда қўлланилган<sup>28</sup>.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида тавсифлаган астрономик асбоб астролябияни *сутурлоб* деб атайди ва уни асосий хусусиятларини бошқа бир жисм “кўзгу” билан қиёслаб қўйидаги мисраларда баён қилади.

“Фалак тулу арзи бирида ниҳон”<sup>29</sup> – (Сутурлоб) осмонда қандай шаклдаги жисм бўлса, ҳаммасини кўрсатар<sup>30</sup>,

“Ул ўлди сутурлоби маҳфийнома”<sup>31</sup> – Униси осмон сирлари яширинган сутурлоб бўлса<sup>32</sup>,

«Биридин аён бўлди афлок иши»<sup>33</sup> – (Биридан) фалакнинг сирри асрори аён бўлса<sup>34</sup>,

Бирида тўқуз чарх тақсим ўлуб<sup>35</sup> – (Бирига) тўққиз қават осмон жойлаштирилган бўлса<sup>36</sup>,

<sup>27</sup> Лесков Л.В. Как открыли невесомость. М. “Энергия”. 1988. №4.сс23-28.

<sup>28</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Майстров Л. Е. Научные приборы исторического значения М., 1968. С.41-42.

<sup>29</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. Тошкент. 1991. 348 бет.

<sup>30</sup> Ўша асар 720 бет

<sup>31</sup> Ўша асар 348 бет

<sup>32</sup> Ўша асар 720 бет.

<sup>33</sup> Ўша асар 349 бет

<sup>34</sup> Ўша асар 720-721 бетлар

<sup>35</sup> Ўша асар 349 бет

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

Алишер Навоийнинг “”Муншоат” асарида “Дурбин” сўзи бор. Бу сўз “Телескоп” сўзи билан бир ҳил маънога эга: теле ва дур - олис, скоп ва бийн - кўрувчи. Телескоп аслида осмон жисмларини катталаштирмайди, балки яқинлаштиради.

Алишер Навоий асарларида баён қилинган сутурлоб (устурлоб) қадимги юононлар сутурлобига ўхшамайди, Ўрта асрлар Шарқи сутурлобларидан ҳам фарқланади, ҳозирги замон астролябия жиҳозига ҳам тўғри келмайди. Демак, Алишер Навоий сутурлобнинг янги турларидан бирини кашф этмаган, балки сутурлоб номи билан ўзга бир янги кузатув воситаси тамойилини баён этган ва у кейинчалик кашф этилган телескоп тамойили билан айнан бир ҳил бўлган. Яъни Алишер Навоий баён этган сутурлоб тамойили бўлғуси телескопнинг башорати эди.

Алишер Навоий тавсифлаган сутурлоб билан Самарканд, Рай, Мароғо, Тошкент расадхоналари тузилиши принципларида маълум ўхшашлик бор ва бу жиҳозлар, Галилей 1610 йили телескоп ихтиро қилгунга қадар телескоп тушунчасини ўзида ифодалаган маълум бир босқич вазифасини ўтаган, дейиш мумкин.

**Қўшёйли деворий квадрант (КДК).** Улуғбек ихтиро қилган мазкур астрономик жиҳоз Мирзо Улуғбекнинг Самарканд расадхонаси таркибида бўлган ва уни ўрта асрларда Шарқда бир мунча илгари яратилган "Обскур камера" ("Қора хона") эффектига асосланган астрономик жиҳоз - бинолар анъанасининг давоми дейиш мумкин. Тошкент (Чиллахона, VIII - X асрлар<sup>37</sup>), Бағдод(XI аср)<sup>38</sup> Рай ("Судси Фахрий", X аср)<sup>39</sup> ва Мароғадаги (XIII аср)<sup>40</sup> қурилмалар ана шундай обскур камера тамойилида бунёд этилган астрономик иншоотлар эди. Бу жиҳозлар воситасида илгари қўлланилмаган услубда бино юқорисидаги туйнукдан жиҳозларнинг махсус жойларига тушган Қуёш нурини кайд қилганлар<sup>41</sup>.

<sup>36</sup> Ўша асар 720-721 бетлар

<sup>37</sup> Турсунов О.С., Азизов С.Х. Астрономический инструмент раннего средневековья в центре Ташкента // Историко-астрономические исследования. Вып. XXV. М., 2000. Сс.56-60; Azizoy S,H., Tursunov O,S, A medieval observational instrument in Tashkent // Journal for the history of astronomy 2002 contents volum 33, Part I. February 2002. 110. P.41- 44.

<sup>38</sup> Б.А.Розенфельд. Астрономия стран ислама. Историко-астрономические исследования. Вып. XVII. 1984. С77. Бируний Абурайхан. Геодезия.; перевод. П.Г. Булгакова. Избранные произведения. Т.3. Ташкент 1963. С132.

<sup>39</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Ташкентт. 1972. С.141.

<sup>40</sup> Булатов М.С. Реконструкция астрономической обсерватории в Мараге. Историко-астрономическое исследование. Вып. XX. М., 1988. сс.202-216. Мамедбейли ГА, Основатель Марагинской обсерватории Насиреддин Туси. - Баку, 1961. - С. 201.

<sup>41</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни, - Ташкент 1972. С, 45.

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

Самарқанддаги Улугбек расадхонасининг бош астрономик жиҳози (жиҳозбино) - Кўшёйли деворий квадрант унгача яратилган жиҳозлар ичида энг мукаммалидир. ҚДК нинг ўзига хослиги, унда нафакат кундузлари қуёш аксини, балки тунлари унинг кўшёйлари орасида турган ҳолда, ҚДК нинг кўшёйлари узра харакатланувчи воситаси ва ҚДК бино диоптрлари орқали Ой, сайёра ва ёркин юлдузларни ҳам аниқ кузатиш мумкин бўлган. Тошкент ва Самарқанд расадхоналари таркибидаги ушбу жиҳозларни *телескоп* деб аталган астрономик жиҳознинг дастлабки содда кўриниши дейиш мумкин. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида бу жиҳоз:

Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур<sup>42</sup>.

**Мазмуни:** “Расадхона жаҳоннинг кўрки, унинг гумбази осмоннинг аксидир”, деб қайд қилинган.

**Мирзо Улуғбек расадхонаси.** XVII асрда Европада Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асари маълум бўлгач, Самарқанд расадхонаига бўлган қизиқиши ниҳоятда кучайиб кетди. Узоқ давом этган изланишлардан кейингина 1910 йили археолог В.Л.Вяткин, вақф ҳужжатига асосан, унда қайд қилинган “Мирзо Улуғбек расадхонаси “толи расад” (расадхона тепалиги) ... оби раҳмат ариги яқинидаги Нақши жаҳон деган жойда жойлашган”<sup>43</sup>, деган маълумотга кўра Улуғбек расадхонасини топди.

**Мирзо Улуғбек расадхонаси. Жойи.** Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги, Улуғбекка бағишлиланган мадхияда қуйидаги сатр бор:

“Расадким боғламиш – зеби жаҳондур”

Расад – 1. Юлдузлар ҳаракатини кузатиш, 2. Обсерватория, осмондаги юлдузларни кузатиш учун маҳсус қурилган бино.

Боғламиш, Боғламоқ – Бирон восита ёрдамида бирон нарсани, бирон жойга жилмайдиган қилиб қўймоқ.

Сатрнинг биринчи қисми: *Расадхона бунёд қилинди.*

Сатрни иккинчи қисми: [Расадхона] жаҳоннинг зеби [безагидир].

Агар зеб сўзини нақш сўзи билан алмаштирилса (“Нақш” ва “Зеб” синоним сўзлар ва улар бир ҳил “безак”, “зийнат” маъноларини англатади.) “зеби жаҳондур” “нақши жаҳон” бўлади. Бу ибора эса Мирзо Улуғбек бунёд қилган расадхона жойини халқ талқинидаги номи. Шунда

“Бунёд қилинган расадхона – жаҳоннинг безагидур”

Яъни:

<sup>42</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. (насрый баёни билан). Т, 1989. 347 бет.

<sup>43</sup> Захириддин Бобур “Бобурнома. Тошкент 2002; Шомукаррамова Ф. Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижоди XX аср тарихшунослигида. Тошкент. 2012. 125 б; Остонова Г.Ю. Вақф ҳужжатида Улуғбек расадхонаси ҳакида маълумот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. 9-10 сон. 58 – 62 бб. Аҳмедов Б. Улуғбек. Тошкент 1989.

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

“Расадким боғламиши – зеби жаҳондур” сатри, “Расадхона – “Нақшии Жаҳонда” деган маънони ҳам билдириши мумкин. Агарда Навоийнинг ана шу назмий сатрига ўз вақтида эъттибор берилганида, балки расадхонани топиш осон кўчган бўларди.

**Мирзо Улугбек расадхонаси. Томи.** В.Л. Вяткин қазишмаси натижасида яна бир савол долзарб бўлиб қолди. Яъни топилган КДК жиҳоз биносининг диаметри 60 метр бўлиб, бунлай иншоотнинг томи кандай ёпилиши мумкин эди. "Фарход ва Ширин" достонининг юқорида кайд килинган сатридан кейинги келувчи қўйидаги сатр:

“Жаҳон ичра яна бир осмондур”.

Яъни:

“Жаҳон ичра яна бир осмондур” – “Жаҳон (осмони, гумбази) остида яна бир осмон (гумбаз).

Шунда, юқоридаги ушбу

*Расадким боғламиши – зеби жаҳондур,*

*Жаҳон ичра яна бир осмондур*

байтнинг икки сатри маъно мазмуни қўйидагича:

“Нақшии жаҳонда бунёд қилинган расадхонанинг гумбази мисоли осмон гумбазидек”.

Бу эса расадхона томи ҳақидаги узоқ давом этган баҳсларга қўйилган нуқта.

**Хулоса.** Юкорида келтирилган мисоллардан маълум бўладики, Алишер Навоий оламга фалакшунос кўзи билан қараган ва бевосита кузатган воқеликни ўз асарларида ифода этган. Алишер Навоий асарларида фалакиёт илмини ilk даврларидан то ўз давригача (xv асрғача) бўлган ютуқларини мужассам этган, астрономик жиҳозлар, расадхоналар, олам моделлари, осмон жисмлари, самовий ҳодисалар ҳақида кўплаб маълумоттлар бор. Баъзи мавзулар бўйича билдирилган фикрлар, фалакиёт илми тарихидаги нодир тушунчалар бўлиб, улар кейинчалик илм-фан тараққиётида ўз тасдиқиға эга бўлди.